

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА- ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

Сув таъминоти,канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” ва  
“Иссиқлик,газ таъминоти,вентиляция ва сервис” кафедралари

**“МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИДА  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ  
МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ”**

мавзусида 2020 йил 21-22 май кунлари халқаро илмий–амалий анжуман

**ҲИСОБОТИ**

**Илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректор**

**Э.Х.Исаков**

**Самарқанд-2020**

Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 январдаги 24-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек мамлакат илм-фани нуфузини янада ошириш ва халқаро илмий-техник ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратилган халқаро ва республика илмий анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар ва бошқа илмий ҳамда илмий-техник тадбирларни самарали ўtkазиш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 7- февралдаги 56-Ф фармонига асосан “Муҳандислик коммуникациялари соҳасида инновацион технологияларини жорий қилишнинг муаммо ва ечимлари” мавзусида республика илмий-амалий анжуманнинг ялпи мажлиси онлайн ZOOM дастури орқали 2020 йил 21-22 май кунлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг кичик мажлислар залида олиб борилди.

### **АНЖУМАН ЙЎНАЛИШЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:**

1. Муҳандислик коммуникация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишда долзарб муаммолар.
2. Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини барқарор бошқариш тизимларида рақамли инновацион технологияларини жорий қилиш.
3. Иссиқлик, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони мұтадиллаштириш тизимларида инновацион технологияларини жорий қилиш.
4. Экологиянинг долзарб муаммолари ечимида ноананавий энергия манбаларидан фойдаланиш.
5. Суюқлик, газ ва плазма муаммоларининг замонавий ечимлари.
6. Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалигини бошқариш соҳасида рақамли иқтисодиётни шакллантириш.
7. Муҳандислик коммуникациялари қурилиши соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида инновацион ёндошувлар, кадрлаш сифатини ошириш муаммолари ва ечимлари.

## **КОНФЕРЕНЦИЯ ДАСТУРИ**

2020 йил 21-май соат 12<sup>00</sup> да  
ZOOM дастури орқали онлайн

**Кириши сўзи.**

**Ахмедов Султон Илясович** - СамДАҚИ ректори.

**Табрик сўзлари:**

1. Қулдашев Азамиддин Турсунович - Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи;
2. Абдураимов Мансур Фармонович - GWP (Global Water Partnership) (Глобальный Водное Сотрудничество) халкаро ташкилотининг Узбекистондаги Координатори;
3. Шукуров Ақмал Ғайратович – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари.

**Маърузалар:**

- 12:10 **Иситиш ва вентиляция тизимларида энергиятежамкорлик.** Маъruzachi: СамДАҚИ “Иссиқлик, газ таъминоти ва сервис” кафедраси мудири, техника фанлари доктори С.М.Бобоев.
- 12:15 «Умный город» как социально-экономическая и цифровая система. Маъruzachi: Максимчук Ольга Викторовна. Волгоград техника университети, иқтисод фанлари доктори, профессор.
- 12:20 **Мухандислик коммуникациялари қурилиши соҳасида давлат сиёсати.** Маъruzachi: Якубов Кутфидин Аслиевич СамДАҚИ “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси мудири.
- 12:25 **Гурухлаштирилган сув таъминоти тизимлари.** Маъruzachi: Жумамуратов Данияр Калбаевич. Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиали ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари доцент, техника фанлари номзоди.
- 12:30 **Water Well Rehabilitation in Uzbekistan and Central Asian Region.** Маъruzachi: Гадаев Аброр Ниёзович. СамДАҚИ “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси профессори, техника фанлари номзоди.

Танаффус : 14:00 – 15:00

**ШЎЙБАЛАР ЙИГИЛИШИ:**

15:00 – 17:00

2020 йил 22-май соат 12<sup>00</sup> да

**Маъruzalar:**

12:10 «ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» СОҲАСИДА МУТАХАССИСЛАРНИ  
ТАЙЁРЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР Маъruzачи: Раззоқов Ҳабиб  
Холикович. Самарқанд ветеринария институти.

**12:25 ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ВОДОСНАБЖЕНИЯ ГОРОДА  
ДУШАНБЕ** Маъruzачи: Бокиев Б.Р Таджикский технический университет  
имени акад. М.С. Осими (г.Душанбе, Республики Таджикистан)

**12:40 Мухандислик коммуникациялари қурилиши соҳасида давлат  
сиёсати.** Маъruzачи: Якубов Кутфидин Аслиевич СамДАҚИ “Сув таъминоти,  
канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси мудири.

**13:00 МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ  
ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИШДАГИ МУАММОЛАР** Маъruzачи: Матьязов  
С.

**13:30 ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОЗОНА НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ  
ОЧИСТКИ ПРИРОДНЫХ ВОД** Маъruzачи: Алиев М.К. Тошкент  
архитектура-қурилиш институти.

Бокиев

Танаффус : 14:00 – 15:00  
Маърузалар юзасидан мухокама.

**Республикамиздага рўй бераётган коронавирусга қарши пандемия  
ҳолатини ҳисобга олиб анжуман йиғилишлари ZOOM дастури орқали  
онлайн тарзда олиб борилди.**



Анжуман очилишида институт ректори **С.И. Ахмедов**, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор **И.Х. Исаков**, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **А.Т. Қўлдошев**, GWP (Global Water Partnership/ Глобальный Водное Сотрудничество) халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори - **Мансур Фармонович Абдураимовлар** кириш сўзи ва табриклар билан чиқдилар.



Институт ректори С.И. Ахмедов анжуман очилиши билан қатнашчиларини табриклаб, конференция мавзуси бугунги кунда долзарб ва катта аҳамиятга эга эканлигини, бугунги пандемия ҳолатини эътиборга олиб биз конференцияни мажбуран масофавий ўтказишимизни ва келажакда азиз меҳмонларни Самарқанд шаҳрида кутиб олишимизни айтиб ўтди. Шунингдек, “Ушбу илмий-амалий конференция ишига мувафаққиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларини қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман” дея анжуманни очиб берди.

Э.Х. Исаков конференция дастури бўйича табрик сўзини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи А.Т. Қўлдошевга берди.

А.Т. Қўлдошев анжуман иштирокчиларини табриклаб, барча қатнашчиларга, айниқса институт жамоасига илму фанга қўшаётган ҳиссалари учун миннатдорчилик билдириб ўтди. Бугунги Самарқанд давлат Архитектура ва қурилиш институда “Муҳандислик коммуникациялари соҳасида инновацион технологияларини жорий қилишнинг муаммо ва ечимлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 7- февралдаги 56-Ф фармони ижроси сифатида бўлиб ўтаётганини эътироф этди. Республикамиз иқтисодий ва маданий ривожланишида инновация йўлини танлагани, муҳандислик коммуникациялари соҳасида инновацион технологияларни жорий қилиш долзарб масала эканлигини ва конференция фаолиятидан яхши натижалар кутилаётганини айтди.

У ўз нутқида 2017—2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамили иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимиға замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланишини ҳамда бу анжуманни қурилиш соҳасида рўй берилаётган ислоҳотлар даврида очилишини айтди. Шу билан бирга конференция ишига мувафаққият тилаб, фаол олим, тадқиқотчи ва ҳамкорларга ўз миннатдорчилигини билдириди, конференция қатнашчиларининг келгуси ишларига омадлар тилаб қолди.


Давлатимизда фаолият олиб боратган GWP (Global Water Partnership/ Глобальный Водное Сотрудничество) халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори: Мансур Фармонович Абдураимов конференция кўтарган масалалар ўта муҳимлигини, бугунги куннинг энг долзарб муаммолар эканлигини уқдириб, фаол ҳамкорлик олиб бораётган олимларимизга миннатдорчилик билдири ва конференция конференция ишида омадлар тилаб қолди.



СамДАҚИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Э.Х. Исаков ўзининг табрик сўзида конференциянинг халқаро нуфузига эга бўлиши, хорижий давлатлардан олимлар қатнашаётганлигини айтиб ўтди ва конференция ишига мувофиқиятлар тилаб қолди. Э.Х. Исаков дастур бўйича анжуманини олиб бориш учун сўзни институтнинг “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини мухофаза қилиш” кафедраси мудири К.А.Якубовга берди.




К.А.Якубов дастур буйича Белорусс миллий техника университети қошидаги Белорусс-Ўзбекистон соҳалараро амалий техник малакалари институти директори Игорь Иванович Ганчёрёнокга СТРОИТЕЛЬНЫЙ МЕНЕЖМЕНТ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ мавзусида маъруза қилишга навбатдаги сўзни берди. У ўз маърузасида рақамли технологияларни қурилиш соҳасига кириб келиши ва қурилишни бошқариш жараёнида бунинг афзалликларини кўрсатиб ўтди.Хужжатларнинг қурилиш объективининг ҳаётий цикл даврида рақамланиши кунлик топшириқларни шакллантиришда ва уларни ижросини назорат қилишда қандай аҳамиятга эгалиги тақдимот материалларида ёритиб берилди.



*Белоруссия-Ўзбекистон соҳааро амалий-техник малакалар институти  
директори И.И.Гончарёнокнинг ялти йигилишида “Строительный  
менеджмент в условиях цифровой трансформации” мавзусидаги маъruzasi*

Шундан сўнг сўз Россия Федерацииси Волгоград техника университети кафедра мудири т.ф.д.Максимчук Ольга Викторовна ва Соловьевана Анна Сергеевнага “УМНЫЙ ГОРОД” КАК СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И ЦИФРОВАЯ СИСТЕМА мавзусида маъруза қилишга берилди.



*Волгоград техника университети профессори О.В.Максимчук ва и.ф.н., доцент  
А.С.Соловьевани “Умный город как социально-экономическая и цифровая система”  
мавзусидаги ялти йигилишидағи маърузаси*

Маърузани муҳокасидан кейин Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиали ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари доцент, техника фанлари номзоди Жумамуратов Данияр Калбаевич Гурухлаштирилган сув таъминоти тизимлари мавзусида маъруза қилди.



Кейин сўзга СамДАҚИ “Иссиқлик, газ, вентиляция ва сервис” кафедраси мудири профессор С.М.Бобоев Иситиш ва вентиляция тизимларида энергиятежамкорлик мавзусида ўз маъruzаси билан чиқиши килди.



*СамДАҚИ “Иссиқлик, газ, вентиляция ва сервис” кафедраси мудири профессор С.М.Бобоевнинг ялти йигилишиидаги маъruzаси*

Конференцияда “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси профессори Аброр Ниёзович Гадаев “Water Well Rehabilitation in Uzbekistan and Central Asian Region” мавзусида илмий қизиқишига эга, жуда батафсил маъруза қилди. Маърузага муҳакамасида АҚШ ва Латвия олимлари қатнашдилар.



Танаффус : 14:00 – 15:00

Маърузалар юзасидан муҳокама.

**2020 йил 22-май соат 1200 да конференция ўз ишини давом этди.**

Навбатдаги сўз Самарқанд ветеринария институти доценти Рассоқов Ҳабиб Холиковичга берилди. Унинг маърузаси мавзуси: Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» соҳасида мутахассисларни тайёрлашдаги долзарб масалалар. Маърузадан кейин савол-жавоб ва муҳокама ҳам бўлиб ўтди.

Кейинги Маърузачи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти Сапарбой Матъязов **“Мухандислик коммуникация тизимларини лойиҳалаш ва қуришдаги муаммолар”** мавзусида маъруза қилди. Бунда бугинги кундаги қурилиш соҳасидаги муаммолар кўтарилиди.

СамДАҚИ “Сув таъминоти, канализация ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш” кафедраси мудири Яқубов Кутфидин Аслиевич Мухандислик коммуникациялари қурилиши соҳасида давлат сиёсати ҳақида мавзусида маъруза қилди. Ўз маърузасида бугунги кунда Ўзбекистонда мухандислик

коммуникациялари соҳасида амалга оширилаетган ишлар ва янги меъёрий хужжатлар ҳамда бор муаммолар ҳақида баёнот қилди.

Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти Алиев М.К. ўзининг қизиқарли “**Использование озона на начальном этапе очистки природных вод**” мавзусида маъruzаси билан катнашди

Танаффус : 14:00 – 15:00

Маърузалар юзасидан мухокама.

**“Муҳандислик коммуникациялари соҳасида инновацион технологияларини жорий қилишнинг муаммо ва ечимлари” мавзусида халқаро илмий–амалий анжуман натижалари бўйича  
РЕЗОЛЮЦИЯ:**

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 2020 йили 21-22 май кунлари “**Муҳандислик коммуникациялари соҳасида инновацион технологияларини жорий қилишнинг муаммо ва ечимлари**” мавзусида халқаро илмий–амалий анжуман ўз ишини яқунлани ва унда Россия, АҚШ, Латвия, Белорусс, Тожикистон ва Қозогистон давлатларидан олим ва мутахассислар масофавий иштирок этганлари эътироф этилди.
2. Конференцияда муҳандислик коммуникация тизимларининг ўрни, уларни модернизациялаштириш, инновацион технологиялар қўллаш, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва юқорида келтирилган муаммолар ечими учун халқаро даражада фикрлар алмашинуви натижаларини амалда қўллаш ва шу асосда ҳамкорликни ривожлантириш деб қабул қилинган мақсади ўз ифодасини топди;
3. Самарқанд шаҳри сув таъминоти ва канализация тизимларини истиқболи ривожлантириш дастурларида қатнашиш, унинг техник ва иқтисодий самарадорлигини ошириш борасида илмий ишлар рўйхатини янада ошириш, талаба, магистр ва ёш олимларни жалб қилиш;
4. Ўзбекистонда иссиқлик ва газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш ва замонавий қурилиш материаллари ва технологияларидан фойдаланиш суратларини янада ошириш, айниқса энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқишида олимлар хиссасини ошириш;
5. Муҳандислик коммуникацияларни техник модернизациялашда, ишлаб чиқариш корхоналарини инновацион ривожлантиришда ҳамкорликни йўлга кўйиш ҳамда моддий рағбатлантириш механизмларидан кенг фойдаланиш;
6. Республика, вилоят шаҳар экологик муаммоларни ҳал ечишда институт олимлари ва талabalарини бевосита иштирогини таъминлаш;

7. “Мұхандислик коммуникациялари соңасыда инновацион технологияларини жорий қилишнинг муаммо ва ечимлари” халкар ойлар амалий конференция утказилиши анъанавий таклифи берилсін.

“Сув таъминоти,канализация ва сув ресурсларини мухофаза қилиш” кафедраси мудири, т.ф.н., доц.

К.А.Якубов

“Иссиклик,газ таъминоти,вентиляция ва сервис” кафедраси мудири, т.ф.д., проф.,

С.М.Бобоев